

84
К25

ҲАСАН КАРИМ

БАҲОР ИШҚИ



Книга должна быть
возвращена не позже
указанного здесь срока

Количество предельных
выдач _____

ҲАСАН КАРИМ

БАҲОР ИШҚИ

Шеърлар, хончирлар, ҳикоялар



OLIV VA O'RTA MAXSUS T.A.L.I.M V.A.Z.I.R.L.I.G.I
TOSHKENT VILOYATI CHIRCHIQ
DAVLAT PEDAGOGIKA INSTITUTI
AXBOROT RESURS MARKAZI

ТОШКЕНТ
«ISTILOL»

2011

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIV VA O'RTA MAXSUS T.A.L.I.M V.A.Z.I.R.L.I.G.I
TOSHKENT VILOYATI CHIRCHIQ
DAVLAT PEDAGOGIKA INSTITUTI
AXBOROT RESURS MARKAZI
1-FILIALI

0624

УДК: 821
ББК 84(5)6
К25

84(5)6
К25

Карим, Ҳасан.

Баҳор ишқи: шеърлар, хотиралар, ҳикоялар / Ҳ. Карим.
- Т.: Istiqlol, 2011. - 80 б.

ISBN 978-9943-338-91-3

УДК: 821
ББК 84(5)6

Санъаткорнинг ижоди ўзига хос бўлади. Шеърларида кўшиқ ва куйнинг оҳанги жарагглаб туради. Гуё қалбдан куйлаётгандай. Ана шу нозик туйғуларни ҳис қиласиз, кўпгина санъаткорлар билан бўлган воқеалардан воқиф бўласиз. Бу тўплам ўзига хос ижод намунаси бўлиб, устоз ҳофизнинг умр йўли, серқирра фаолиятидан бир тўлдастадир.

ҲОФИЗ-ИЖОДКОР

Хоразмда санъаткорлар кўп. Лекин, ҳар бир санъаткорнинг ўз йўналиши, услуби, овози бор. Шинавалдалар уларни эъзозлайди, олқишлайди, кўкларга кўтаради. Санъатни севган, кўплаб юксак истеъдолларни қадрлаган халқдан маланиятли, кент фикрли, замонавий инсонлар етишиб чиқади.

Истеъдолли хонанда, ижодкор Ҳасан Карим ҳам ана шу тоифага кирувчи санъаткорлардан бири. У Урганчада туғилиб она алласи билан бирга, қадимий «Лазги» оҳанглари оғушида ўсди-улғайди. Ҳамза номидаги мусиқа билим юртини туталлаб, вилоятдаги бир қатор санъат даргоҳларида фаолият кўрсатди. Отаҳий номидаги мусиқа драма театрида хонанда бўлиб хизмат қилди. Катта санъатга бўлган иштиёқ, интилиш уни Тошкентга бошлаб келди. Бу ерда ўсиб-улғийди, санъатнинг ўзига хос сирларини ўрганди. Тошкент Давлат Маданият институтига кириб ўқиди, билимини оширди. Педагоглардан Карим Азимов, Азиз Қасимов, Шўҳрат Усмонов, Ҳамид Абдуллаев, Савдулла Фафуров, Эркин Худойберганов каби устозлардан сабоқ олди. Санъатнинг нафис томонларини, мусиканинг сирли оҳангларини чуқур ўрганди. У кўҳна Хоразм санъатини бутун вуужули билан куйлаб, келатган устоз ҳофизлардан бири. Ўзининг

ISBN 978-9943-338-91-3



© «Istiqlol nashriyoti», 2011 й.

ана шундай катта обрў-этиборга эришувда халқ севган санъаткорлар Комилжон Отаниёзов, Сул-танпошша Раҳимова, Ҳайитбой Бобожонов, Назира Юсупова, Абдушариф Отажонов, Санъат Девонов, Ўринбой Агажоновларнинг ҳиссаси беҳисоб эканлигини кўп бор, алоҳида таъкидлайди.

Ҳасан ака дўстлари Отажон Худойшукuroв, Комилжон Ибрагимов, Жуманазар Бекчонов, Шариф Султонов, Озод Ибрагимовлар билан биргаликда санъат ошёнига кириб, Хоразм кўшиқларини оламга ёйишди.

Олий таълим даргоҳини тугаллаганидан сўнг бир қатор таниқли санъат жамоаларида самарали ишлади. Айниқса, «Лазги» ансамблида яккахон ашулачи бўлиб, халқ севган кўплаб кўшиқларни ижро этди ва кўплаб санъат шинавандаларининг олқишини олди.

У кўп йиллар Амударёнинг тўлқинлари сингари жўшиб-жўшиб куйлади. Кўшиқлари бутун мамла-катимиз, кўшни республикаларда, Япония сингари хорижий давлатлар санъат саҳналарида ҳам баралла янгради. Сўнгра, ўзи ҳам устоз санъаткор даражасига етди ва Тошкент Давлат юридик институтида ансамбль тузиб, кўпгина ёш истеъодларни кўшиқ оламига олиб кирди.

Ҳасан Карим нафақат жўшқин санъаткор, балки нафис шеърлар ёзиб, адабиёт оламида ўзига мос саҳифалар очаётган ҳаваскор ижодкор ҳам. Унинг қаламига мансуб бир қатор ижод намуналари «Хоразм ҳақиқати», «Соғлом авлод», «Ҳордиқ», «Тасвир» газеталарида эълон қилинган. Илк ижод маҳсули «Юракдаги наволарим» тўплами ҳам муҳлислар қалбидан жой олди.

У қалби пок одамларни, чин инсонийликни, соф муҳаббатни тинмай куйлайди, шеърини сатрлар битида, ўзида, фарзандларида ҳам ана шу ҳислатларни камол топтиришга интилади.

Истеъодли санъаткор, ҳаваскор шоир Ҳасан Карим айни жўшқин ижод паласида. Етмиш ёшта тўлаётган бўлса ҳам қалби навкирон ижодкорлардай жўшқин, баҳорги тошқин сойлардай ҳайкирикли. У ҳали халқимиз севиб тинглайдиган миллий кўшиқларни, айниқса Хоразм санъатини яйраб-ййраб куйлайди. Ёш санъаткорлар учун шеърлар битида, уларни кўшиқ қилиб ижро этишга устозлик қилади.

Жаббор Раззоқов,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист



ЎЗБЕКИСТОНИМ

Сен чаманзоримсан, долазоримсан,
Боғу бўстониимсан — жону жаҳоним.
Оқ олтининг билан ифтиҳоримсан,
Ўтги туғенимсан — Ўзбекистониим.

Ўғлонларнинг кезар кент жаҳон бўйлаб,
Толе уйин тиклар эртангни ўйлаб.
Сени фахр билан юришар куйлаб,
Кўкси осмониимсан — Ўзбекистониим.

«Шашмақом» навоси куйланган элда,
Шарқнинг таронаси янтрайди дилда.
Бийрон ҳофизларинг баҳслашар йилда,
Ижод бўстониимсан — Ўзбекистониим.

Йигитларинг бордур, кўрқмас, мард, ботир,
Ўз бурчини оқлаб турган баҳодир.
Юртнинг тинчлигини сақлашга қодир,
Буюк қалқониимсан — Ўзбекистониим.

Кишлоқларим обод, шуҳрати қадим,
Шаҳардан фарқ қилмас иморатларим.
Ҳасан Карим ёзган жўшқин байтларим,
Мангу дostonимсан — Ўзбекистониим.



БАРКАМОЛ ЁШ АВЛОД

Қалбларда бир олам ғурур туйғуси,
Улуғлар ёдига юртнинг қайғуси,
Буюк Ватан қуриш улар орузси,
Баркамол ёш авлод халқим ишончи.

Билимлар боғининг ажиб ниҳоли,
Келажак ҳаётнинг бахту иқболи,
Буюк ажодлардай бўлиш ҳаёли,
Баркамол ёш авлод халқим ишончи.

Ер юзини кезиб илм олтайлар,
Жумбоқларни ечиб дадил бортайлар,
Машхур инсон бўлиб юртга келтайлар,
Баркамол ёш авлод халқим ишончи.

Нитоҳи бургутта бирам ўхшайди,
Тенги йўқ ишларга ўзин пешлайди,
Ҳасан Карим Сизни куйлаб яшайди,
Баркамол ёш авлод халқим ишончи.



НАВРЎ СЕҲРИ

Наврўзи олам келиб, замин бағрини очди,
Қир-адирлар яшариб, осмон завқини сочди.
Бир-бирини қувлашиб, булутлар қайта қочди,
Боглараро наваҳор сепини ёзиб келди.

Дошқозонда қайнади хушбўй асрий сумалак,
Бувижонлар дуосин олиб қувнашди қизлар,
Бу айёмда кекса-ёш билдирар орзу-тилак,
Момолар ёр-ёр айтиб, қизлар бахтини куйлар.

Яшнаб келди янги кун, айтиб қувноқ кўшигин,
Халқимиз ризқин тилаб, ерга уруғ сочинди,
Шўх қизлар сочларига толдан чамбарак тақиб,
Йигитларга ҳай-ҳайлаб, долазорга чопишди.

Наврўзи олам келиб, элдан элларга ўтар,
Тинчлик кўшигин айтиб, дилларни хушнуд этар,
Ҳасан Карим куйласа жўшқин илҳом бахш этар,
Баҳорой гулгун сеҳрин, қалбга муҳрлаб кетар.



ВАТАНИМ

Келажакка интилган Ватан,
Томир оттай кўксингда жоним,
Сенсиз ўтди кўплар беватан,
Ўзбекистон — нурли маконим.

Қувончларим дилларга сиғмас,
Ўзалликда ягона юртим,
Сенсиз асло бир кун ҳам ўтмас,
Ўзбекистон — сирли маконим.

Санъаткорга кўнглини очиб,
Дилни ижод кўйинига солган,
Дунё аҳлин маҳлиё этиб,
Ўзбекистон — дурли маконим.

Элим, ўзинг жаннат маконсан,
Олам аро ягона дийр,
Ҳасан Карим қалбида қолган,
Ўзбекистон — хурли маконим.



БАҲОР ИШҚИ

Баҳор келди роз айтишдик,
Наво билан ишқ боғида,
Эртаю-кеч ёр оҳида,
Кезиб юрдик сабо билан.

Куйлай созим қўлга олиб,
Боғу чаманимда ёниб,
Булоқлардан ичдим қониб,
Ҳаёт сувин ибo билан.

Нима қилай келиб турса,
Илҳом бериб хўп суйдирса,
Ноз-ибоси дил куйдирса,
Дардим айтсам сато билан.

Соғиндим мен Наврўзимни,
Тунлар ўйлаб баҳор билан,
Ҳавас қилар ошиқ аҳли,
Бошимдаги хумo билан.



НАВРЎЗИ ОЛАМ КЕЛДИ

Наврўзи келди оламга туллар талашар,
Ранго тулларнинг бўйига қизлар қарашар.

Атлас оппоқ кўйлак кийса бодом туллари,
Бойчечакнинг бўйларига дурлар ярашар.

Ариқларнинг бўйларида ялпиз, бинафша,
Қирлар бўйлаб олам-олам ҳиллар тарашар.

Барча туллар давра қуриб куйласа дилдан,
Дил қалбларда ишқ уйғотиб меҳр улашар.

Дошқозонда сумалакни кавлаб турганда,
Момолару, шўх қизлар кўшиқ куйлашар.

Наврўзим билан баҳорой келди юртимга,
Карнай-сурнай оғушидан наво чалишар.

Ҳасан Карим куйлаб айтса тилақларини,
Ранго қизлар тушиб рақсга лазги ўйнашар.



ЯШНА ДИЁРИМ

Она диёр, сента ризқ-рўз уммондан,
Ёмғир бўлиб, қутлуғ қор бўлиб келар.
Бизни доим ярлақатган Оллоҳдан,
Офтоб нури бахтиёр бўлиб келар.

Юртим адолатни тутган байрогинг,
Саховатли байрам, тўй — бахт булогинг.
Мозий шуур берган будир чирогинг,
Бахт куйин чалгин деб, тор бўлиб келар.

Ерга ниёт қилиб экин экилди,
Ҳисор тоғларидек «оқ олтин» унди,
Хирмонга беҳисоб, ғалла тўжилди.
Шодлик завқимизга ёр бўлиб келар.

Ҳасан Карим дегай, юртим қучоғи,
Доим қайнаб турсин қозон-ўчоғи.
Мустақиллик элта хуш айём чоғи,
Янтраб дилдан қўшиқ куй бўлиб келар.



САБРЛИ БЎЛАР

Ҳасл ила қалбим машаққат чекса,
Ҳақ йўлида юриб сабрли бўлар.

Кишини иймонни буд бўлса доим,
Илм олиб мудом сабрли бўлар.

Меҳнатинг қил доим имкон борида,
Олгоҳ берур ризқ деб сабрли бўлар.

Юртим омон, ҳаёт фаровон бўлса,
Хотиржам элим деб сабрли бўлар.

Дардмандлар қилсалар сабру-тоқатни,
Шифо топиб доим сабрли бўлар.

Ҳасан Карим айтар хаста дилларга,
Иймони бут бўлса сабрли бўлар.



ЯРАШМАЙДИ-МИ?

Баҳор чоғи, боғлар аро, туллар очилса,
Равно тулга, айтинг кимдир қарашмайди-ми?
Атлас кўйлак кийса гўзал, нозанин қизлар,
Бу гўзаллик, шўх қизларга ярашмайди-ми?

Кўклам чоғи ариқларнинг бўйида ҳайрон,
Ялпизларини шул майсалар синашмайди-ми?
Равно туллар даврасида ўйнаса жайрон,
Дил оҳанги қалблар аро туташмайди-ми?

Ошиқ диллар интизордур висол онига,
Тўлин ойнинг ҳусни кўкка ярашмайди-ми?
Чаманзорда ёрин излаб келса ёнига,
Ҳижронига шу онлари чидашмайди-ми?

Ишқ, муҳаббат кўшиғини кўйласа булбул,
Айтинг дилсўз бу нолалар қалашмайди-ми?
Севиганлар кўшиқлари куй-наволари,
Садолари дилда манту қолишмайди-ми?

Табиатни севинг дейди яратган Тангри,
Шу борлиқнинг бўлагидур азизлар бари,
Севиб яшанг севган дилнинг Оллоҳдур ёри,
Севги дўстлар айтинг бизга ярашмайди-ми?

Боту чаман ичра севган равно туллари,
Келса илҳом париси деб талашмайди-ми?
Ҳасан Карим дил сўзлари, истакларини,
Райҳон, жанбил, ялпиззорда адашмайди-ми?

ДИЛГА ЖО АЙЛАБ

Иртанга бўлиб шайдо, юртаймиз дилга жо айлаб,
Инё соҳар жамолини кўраймиз дилга жо айлаб,
Унинг минг шукрлар деб, туртаймиз дилга жо айлаб,
Кўкка бир он боқиб кўрсак мўъжиза бу юлдузларинг,
Она Ватан ягонадир, дунёда ўғил-қизларинг.

Чеклоб ҳижрони ишқида, кўраймиз неча заҳматлар,
Детиллар ошиғ аҳлига, вафодормиш бу савдолар,
Каломнинг дилга жо айлаб ўқитаймиз бор ҳикматлар,
Кўкка бир он боқиб кўрсак, мўъжиза бу юлдузларинг,
Она Ватан ягонадир, дунёда ўғил-қизларинг.

Итганимиз бахтин тилаб, дуо айлаб чиндан айтсак,
Ижобатлар бўлар экан Оллоҳ, зикирларин айтсак,
Юртимизни тинчлигини сўраб ҳамон дилдан айтсак,
Кўкка бир он боқиб кўрсак, мўъжиза бу юлдузларинг,
Она Ватан ягонадир, дунёда ўғил-қизларинг.

Ифодолар каби тоқат, дилларга жо айлаб ҳардам,
Адолатли Ватанимда яштағаймиз аҳил ҳардам,
Бу қалбимиз ёниб дилдан, қаноат айласак ҳардам,
Кўкка бир он боқиб кўрсак, мўъжиза бу юлдузларинг,
Она Ватан ягонадир, дунёда ўғил-қизларинг.

Элмининг ғазнаси кенгдур тижорату, адолатда,
Исололнинг соғиниб зор, кутуб ҳар дам саодатда,
Элга бўлган муҳаббатга танҳо айлаб қаноатда,
Кўкка бир он боқиб кўрсак, мўъжиза бу юлдузларинг,
Она Ватан ягонадир, дунёда ўғил-қизларинг.

ЯНГИ ЙИЛ

Кириб келди янги йил, халқимизнинг кўнгли шод,
Илм-маърифат нурлари, дилимизни этар шод.

Ҳаётимиз мазмундор, қилиб янгича ижод,
Меҳнатда йигит-қизлар, қишлоғин қилар обод.

Халқимиз марраларга, етажакдур ҳар доим,
Ватанга оқ олтининг туҳфасин айлар зиёд.

Садоқатли элим бор, дилда энди ғамим йўқ,
Меҳмонлар уй тўрида, меҳбон кутиб дили шод.

Оидамиз тинч бўлсин, кўтаринг қадах жомин,
Турмиш бўлсин фаровон, юртим ҳам эрур обод.

Қорбобо, қорқиз келиб арча чироғин ёқди,
Боғча, мактаб, боғалар айланишиб, юрар шод.

Янги тилак орзулар, ҳавасларни уйғотиб,
Ҳасан Карим дўстларга совғаларин берар шод.



ДИЛБАРИМ

Парвонаман билмадинг,
Танҳо ўзинг келмадинг,
Кўнглим олиб кетмадинг,
Менинг танҳо дилбарим.

Сени интиқ кутарман,
Йўлларингдан ўтарман,
Қалбим сенга тутарман,
Менинг танҳо дилбарим.

Мажнун бўлиб изладим,
Келарсан деб кўзладим,
Дардим айтиб сўзладим,
Менинг танҳо дилбарим.

Қоғоз юзин тизладим,
Юрагимни доғладим,
Меҳрингга дил боғладим,
Менинг танҳо дилбарим.



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIV VA O'RTA MAHSUS TALIM VAZIRLIGI
TOSHKENT VILOYATI SHIRCHIQ
DAVLAT PEDAGOGIKA INSTITUTI
AXBOROT RESURS MARKAZI
1-FILIALI

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIV VA O'RTA MAHSUS TALIM VAZIRLIGI
TOSHKENT VILOYATI SHIRCHIQ
DAVLAT PEDAGOGIKA INSTITUTI
AXBOROT RESURS MARKAZI

НОЗ КИЛМАТИН ДИЦОРА

Ишқинг ёмон ёндири,
Қилтанда ноз Дилдора,
Ишваси бағанд доим,
Айласа ноз Дилдора.

Адашдим изларингда,
Мавно кўп сўзларингда,
Жоҳу бор кўзларингда,
Кўнглимни ёз Дилдора.

Калбинг нури ёғдулай,
Ёрит пора дилимни,
Севги бўлсин аҳлингдай,
Кел, қаро кўз Дилдора.

Хасан Карим шод бўлса,
Бир умрга ёр бўлар,
Чин кўнтил мангу бўлса,
Сента эъзоз, Дилдора.



Гофил бўлма, дўстим ёруф дунёда,
Тонг саҳардан туриб ибодатинг қил.
Пингликни ўзи мингбаъд синов бил,
Бу гулал ҳаётинг ўтмасдан бурун.

Ишлик давринг билгил қайтиб келмасдир,
Хар не қилсанг чексиз бу сир эмасдир.
Душмининг ишлари ҳеч тутанмасдир,
Қариллик чоғларинг ўтмасдан бурун.

Тилни сақла доим ғыйбат, Ҳасаддан,
Мордлик қилу умид этма номарддан,
Ҳаммасин бил фақат сабр -тоқатдан,
Очилган гулларинг сўймасдан бурун.

Сен хиёнат йўлин қилмагин асло,
Халисларда бордир, сўзлари аяло,
Мудом қалбдан қилгин кўкка илтижо,
Умр кишинг токи келмасдан бурун.

Элинигта бұл содиқ ўғлон мард, ботир,
Посбон йигитларни халқим эъозлар.
Ватанни авайлаб бошингта кўтар,
Ижодинг қил умринг ўтмасдан бурун.

Ҳисан Карим айтар ҳикмат сўзини,
Сиховатли тутса доим ўзини,
Ўткинчиدير умринг, дунё қолувчи,
Бу омонат жонинг, олмасдан бурун.

МИНГ ШУКУР

Яратганга минг шукур, жўш уриб турар жаҳон,
Борлиққа раво кўрган неъматингга минг шукур,
Далаларда куй чалар, сайрона чиқсам хандон,
Ўлкам чарогон айлар тилсимингга минг шукур.

Мажнунтолинг не ажаб, гўёки бир севар ёр,
Халқим қалбида боқий турур ила истифгор.

Қойил қолмиш кўрганлар васлингга боқанда ёр,
Камалакка ранг берган чиройингга минг шукур.

Саховатинг авжидан бўрон майин бўлмишдир,
Шабодалар, сайр этиб жонга хузур солмишдир.
Тоғларинг қори эриб, чашма бўлиб қолмишдир,
Пешонамни силанган Хумойингга минг шукур.

Фалак соҳибжамолин кўринг дея сўйлайди,
Олпоҳ азиз қилган халқ боши Аршта бўйлайди.
Ҳасан Карим мадҳ этиб, юрт бахтини куйлайди,
Дийдори насиб этган диёримга минг шукур.



КОРАТОҒ БУРГУТИ

Оқтошдаги дўстимга

Коратонинг бургути дерлар сени дўстларинг,
Морлиқларинг эъозли гўё мисли бир қоя,
Кўк мовий осмонларинг кўринар яқин бўлиб,
Норингли ишларингга солмас ҳеч ким бир соя.

Раҳмон деган раҳмдил, номинг ўзингга лойиқ,
Тоғларинг ҳавосидай қалбинг мусаффо очиқ,
Қойлин билсин дўстликни дўст тутмаган халойиқ,
Дунё бўйлаб бормикин, бундай ошёндан орғиқ.

Тоғлардан оқар сувлар сойларда тўлиб тошиб,
Олпоҳнинг қудратидан булутлар кетар шошиб,
Гўё ноёндоз бўлиб қир-адирда, лолалар,
Улғича сехр билан бизни бағрига чорлар.



ЗАМИРА

Севимли қиз қаердасан, бормисан,
Бахт тилаган бу қалбимга ёрмисан,
Ўшандайин гўзалликка боймисан,
Шаҳло кўзли, анор юзли Замира.

Ҳануз истаб дона-дона сўзларинг,
Тунлар бедор, нега бунча бўзладинг,
Боғлаб меҳринг кутиб йўлим кўзладинг,
Шаҳло кўзли, анор юзли Замира.

Сунбул сочлар мени адо этади,
Қайларга ҳаёлим олиб кетади,
Сен бўлмасанг қалб ўзгани нетади,
Шаҳло кўзли, анор юзли Замира.

Ўзга ёрни ёр демасинг билардим,
Фақат сенга бахт иқболни тилардим,
Бир умрга вафодоринг бўлардим,
Шаҳло кўзли, анор юзли Замира.

Ҳасан Карим кўшиғининг чеки йўқ,
Сенинг билан, унинг доим кўнгли тўқ,
Ошиқ Фариб севгисидай севги йўқ,
Шаҳло кўзли, анор юзли Замира.



ШАЙДО ЭТИБСАН

Эй, Лайливашим мени адо этибсан,
Ойдек юзларингга фидо этибсан,
Нозингни айлаб юракка жо этибсан,
Билсанг қаро кўзингга шайдо этибсан.

Юзлагги ҳолинг мени жоним оладур,
Лоқдай лабларингги муҳри қоладур.
Юрагинг юрагимга олов соладур,
Билсанг қаро кўзингга шайдо этибсан.

Майли сунбул сочларинг ишқни боғласин,
Қалбимнинг ўчмас чўғи дардим доғласин,
Вафодорим сўзлари жон сўроғласин,
Билсанг қаро кўзингга шайдо этибсан.

Чакмоқдайин севгиси, оташи ёқди,
Зухрадайин дилимга бардоши ёқди,
Ҳасан Карим дер сирли қарашы ёқди,
Билсанг қаро кўзингга шайдо этибсан.



НОЗИМА

Оҳиста қадам билан келди менинг ёнима,
Ибо — ҳаёси билан ақлим олди Нозима.

Қирқ ўрим сочларини ташлаб нозик белига,
Ваъдага вафо айлаб шу он келди Нозима.

Сабо эсиб бир дамда зулфларини ўйнатса,
Кўксин шамолга тутиб кутди мени Нозима.

Пари қизлар рашк этиб, қараб кулиб турсалар,
Ноз қилиб ёнгинамда сўйлаб турди Нозима.

Севган ёрингизман деб олиб ихтиёримни,
Юрагимни тор қилиб куйиб чертди Нозима.

Ҳасан Карим васлига етсам деди умрбод,
Севиб кўлимга кўлин бериб кетди Нозима.



ГУЛЛАР ОЧИЛГУНЧА

Ёнингдан чаман гуллар мисоли қирмиз гунча,
Ёнғон бўлай боғингда, гунчаси очилгунча.

Ўнбўғилар ишқдан куйиб, сайрар тинмай наволи,
Менинг қалбим ром этиб, завқ олур тонг отгунча.

Ёнингдан бодом гуллар, баҳор завқин уйғотиб,
Паронамдан ишқингда, токи умрим борича.

Куллар қилай хижрони, юракни вайрон этса,
Муҳоббати бўлмаса, кутарми мени шунча.

Ҳасан Карим қалбидан, ранг олар қирмиз лаби,
Юришлик боғлар аро, диллар яйраб кетгунча.



БЕВАФО ЁРНИНГ

Ёшликда билмайин кўнгли кўярсан,
Бирини рад этиб, бирини суярсан,
Ишқин оловида ёниб куярсан,
Ҳижрони ўлдиран бевафо ёрнинг.

Умрининг риштасин толаси бўлмас,
Ҳаётнинг ишқсиз маъноси бўлмас,
Сўлгин юракларинг навоси бўлмас,
Армони сўлдиран бевафо ёрнинг.

Кунлар қазо бўлар, унинг кўнглига,
Тунлари сарф бўлар қаро кўзига,
Зориқтириб кўяр ширин сўзига,
Сири тошиб борар бевафо ёрнинг.

Рашки оёғимни боғлаб кўядир,
Кўнглимни кўйдириб доғлаб кўядир,
Охир ўлдирмакка чоғлаб кўядир,
Ваъдаси тўйдиран бевафо ёрнинг.

У билан жаннатни ўйлаб бўларми,
Фирдавсда дилрозин сўйлаб бўларми,
Ҳасан Карим дардсиз кўйлаб бўларми,
Оташи кўйдиран бевафо ёрнинг.



НЕВАРА

Чаросойга

Келин бўлиб Ирода,
Юзи ойдаи тўлибди,
Яратаннинг меҳри-ла,
Фарзанд ато бўлибди.

Ойдек култан юзлари,
Қора-қошу кўзлари,
Дўбоққина юзлари,
Она меҳрга тўйибди.

Гарчи феъллар ҳар хилдир,
Қудажонлар аҳилдир,
Ноз-неъматлар сарҳилдир,
Қалблар шодлик тўйибди.

Қариндошлар жамул - жам,
Кўғирчоқлар эмас кам,
Олиб кўлга Чарос ҳам,
Кўғирчоғин суйибди.

Кўлга олиб Чаросин,
Дурдона бебоҳосин,
Ҳасан Карим бобоси,
Кувончларга тўлибди.



САНОБАР ҚИЗИМГА

Мента боққан кўзларинг,
Жондан ширин сўзларинг,
Ойдеккина юзларинг,
Қалб кўримсан Санобар.

Тўғри йўлдан адашдинг,
Ишқ муҳаббат талашдинг,
Бевафога ёндошдинг,
Фариштамсан Санобар.

Ёрнинг синовлари бор,
Гоҳи сийловлари бор,
Ишқнинг оловлари бор,
Оташимсан Санобар.

Дилинг айтмайин кетдинг,
Ёрнинг жафосин кўтдинг,
Ота дуосин тутдинг,
Фарзандимсан Санобар.



ДЎСТ

Дўст билан ўтган нафасни қадрини билгаймۇ дўст?
Соғинида танда жонинг ўйнаса кулгаймۇ дўст?

Ўш днёрим юлдузлари қалбим ногоҳ порласа,
Ногоҳ сўраб юртга омонлик эъзозин қилгаймۇ дўст?

Чаманзору, боғу бўстон қай манзилга борсангиз,
Ўрпақ бўлиб авлодларга даврини сургаймۇ дўст?

Сахонатли юртимизга кўз тегмасин, яшнасин,
Австурхонда нозу неъмат, қадрини билгаймۇ дўст?

Дилингизда сиз иймону, виждон билан юрсангиз,
Нуронийдан дуо олиб зикрини қилгаймۇ дўст?

Ўқитимиз кўролмаган ҳар нокасу, номарддан,
Хисси Қарим дер юртимни омон сақлагаймۇ дўст?



МУҲАББАТ

Ёр ишқини куйиб айтсам, кулиб мента ҳайрон бўлар,
Дилдан боқиб, севмасму деб юракларим бирён бўлар.

Аҳду паймон қилганим билмасмикан пари рухсор,
Ваъдасига вафо этмай юратида армон бўлар.

Муҳаббати гар бўлмаса қарашлари соғинчданму,
Ҳаё билан ҳар боқиши бу дардимга дармон бўлар.

Бир кўрмасам ёр васлини, титрагайдир дил торларим,
Ул ўзига оро бериб келар бўлса имкон бўлар.

Уйқуларим келмас энди ойдиндайин тун кечалар,
Интизорман йўлларига қаро кўзлар чандон бўлар.

Ҳасан Карим туллар тутиб, сан бахтимнинг гулисан деб,
Орзу истақ тилакларим айтсам элта дoston бўлар.



ХОРАЗМ САРДОРИ

Сўрасангиз кўҳна маконим,
Жайхун дарё тенгсиз ошёним,
Ажолларим боёбо калоним,
Юрт сардори Жалололдиндур.

Хоразмшоҳ ўғли қудратли,
Алп қоматли ҳам адолатли,
Шер юракли зўр қароматли,
Дунё кезган Жалололдиндур.

Лашкарлари юриш қилганда,
Душман титрар уни кўрганда,
Ёвга қарши жангга кирганда,
Фолиб бўлган Жалололдиндур.

Ватан учун жонин бойлаган,
Мўғулларга мағлуб бўлмаган,
Золимларга тинчлик бермаган,
Шер баҳодир Жалололдиндур.

Дарёлардан ўтди у ошиб,
Тулпор отда елдайин шошиб,
Баттол Чингизхонга ёндашиб,
Мағрур турган Жалололдиндур.

Қалбимизда қолтай у абад,
Мангуберди айлаган сарҳад,
Душманларга қилмаган шайқат,
Ҳумо қушли Жалололдиндур.

Олислардан янграса садо,
«Маррур бўлган» ул зотдан нидо,
Юрта айлаб жонини фидо,
Султон бўлган Жалолиддиндур.



УСТОЗЛАРНИ ЁД ЭТИБ

Шул гўзал Хоразмда улғайдим камол топдим,
Дилдан айтай изҳорим элимга, ватанимга.

Маррифатли масканим илму -хунарлар берди,
Кўшиққа бўлган меҳрим бобомдан мерос менга.

Мактабда таълим олиб юрган онларимизда,
Кўшиқ сирин ўргатган Жуманиёз устоз менга.

Мураббийларни айтсам Хожихону, Шерозий,
Бола бахши, Матёкуб, Абдушариф, Матниёз.

Рўзмат хофиз, Отажон, Султонпошша, Назира,
Камунаю, Олмахон, Комилжон устоз менга.

Ёшувлилар йўлин тутдим бахтлидурман ҳамиша,
Бундай бахту-иқболни хур Ватан берди менга.

Ҳасан Карим торини қўлга олиб куйласа,
Юрт меҳрига чорлайди кўклаги парвоз менга



РАҲНО ГҶЛИМ

Ошиққитин биларманай, Раҳно гҷлим,
Соғинчларин эсларманай аъло гҷлим.

Булбуллар сайрар боғ-роғу саҳарларда,
Ишқдан ёниб куйларманай барно гҷлим.

Тонгда тушган маржондайин шудринглари,
Яллага ўйнатарманай сабо гҷлим.

Муҳаббатим Лайлолардан рашк этмасин,
Ишқ риштасин боғларманай шайдо гҷлим.

Ҳасан Карим юракдаги наволарин,
Куйлаб-куйлаб ўйнатаманай зебо гҷлим.



ТҶЙЛАРИНГИЗ МУБОРАК

*Эркин Қодировнинг
никоҳ ва невра тўйларига
бағишлов*

Бобурбек — Нодирахон тўйларингиз муборак,
Жасурбек — Шоҳистахон соф севгингиз муборак,
Орузйингиз ушалган сирли висол кеча бу,
Етишган тўй оқшоми файзи бор ўзгача бу,
Қутлуғ тўйлар муборак, тўйларингиз муборак.

Дастурхонлар безалган ҳар хил нозу неъматдан,
Карнай-сурнайлар чалиб сўзлар элта ҳикматдан,
Муборақбод эгарлар, дўстлар келиб ҳимматдан,
Туғишган қариндошлар, ўйнашарлар ҳайратдан,
Қутлуғ тўйлар муборак, тўйларингиз муборак.

Келажак ҳаётларин бахту иқболи бўлтай,
Буюк аждодларидай юксак эиёли бўлтай,
Баркамол авлод йили эркин ишончли бўлтай,
Нодирбек, Ботирбеклар тўзал дунёли бўлтай,
Қутлуғ тўйлар муборак, тўйларингиз муборак.

Давраларни қиздириб Ҳасан Карим куйласин,
Қудалар билан бирта, қудажонлар ўйнасин,
Хоразмининг қизлари кўшиқ, лапар куйласин,
Одирбекнинг туруҳи яллагардан сўйласин,
Қутлуғ тўйлар муборак, тўйларингиз муборак.

ЗИЛОЛА

Муҳаббати ёндирди қилганда ноз Зилола,
Ой жамолин суйдирди чертганда соз Зилола.

Оҳ урлим изларинда, маъноли сўзларинда,
Жоду бор кўзларинда, кел айтай роз Зилола.

Ошиқ бўлдим ўзингта, кел ёндирма дилимни,
Хур қизларнинг сулуви қилмагин ноз Зилола.

Қалбинг нозик чиннидай қолдирмагин кўнглимни,
Вафо бўлсин аҳдингдай кўнглимни ёз Зилола.

Ҳасан Карим зор бўлар, бир умрта ёр бўлар,
Чин ошиқ хумор бўлар, қомаги роз Зилола.



ОНА ДИЁРИМ

Бўстонлик тоғлари кўркам чаманзор,
Халқим бағри кенгдир дили беозор,
Бурчмуллодир асли, паст-баланд тоғлар,
Дунёда тенги йўқсан меҳрибоним,
Жондан севган менинг она диёрим.

Дарёларга боқсанг кўзлар қувонар,
Тоғ қушларин кўрсанг кўнглинг овунар,
Соф ҳавоси ёқиб кўнглинг руҳланад,
Дунёда тенги йўқсан меҳрибоним,
Жондан севган менинг она диёрим.

Чимённинг шамоли завқ пайдо этар,
Баланд осма йўли шавқ шайдо этар,
Оппоқ қор аксидан нур ойда этар,
Дунёда тенги йўқсан меҳрибоним,
Жондан севган менинг она диёрим.

Гулга тўла яйлов асал-боли бор,
Қоясида толмас лочини бисёр,
Дилларни ром этган кийиклар бедор,
Дунёда тенги йўқсан меҳрибоним,
Жондан севган менинг она диёрим.

Сиҳаттоҳлар кўлдир келар сайёҳлар,
Ором олганларга берар гиёҳлар,
Осма йўлдан учиб юрар сайёҳлар,
Ҳасан Карим қалбида сан меҳрибоним,
Жондан севган менинг она диёрим.

АСАЛИМ

Севгинг билан яшарман,
Вафодоринг бўлиб мен,
Сени излаб шошарман,
Вафо қилгил, асалим.

Шўх юрагинг жўш айлар,
Дилда исминг хуш айлар.
Ишқ шаробинг нўш айлар,
Шайдо қилдинг, асалим.

Кўнглим сента қаратдим,
Сафоли ишқ яратдим,
Хурилиқком дея айтдим,
Адо қилдинг, асалим.

Қора кўзи, оташ ёр,
Юрак дилкаш, эй нитор,
Ишқда дарлқаш мадақор,
Гадо қилдинг, асалим.

Кўшиқ айтиб куйладим,
Келарми деб ўйладим,
Муҳаббатинг сўйладим,
Садо қилдинг, асалим.

Ҳасан Карим номингни,
Эл алқаган шонингни,
Жонга ҳамроҳ жонингни,
Танҳо қилдинг, асалим.

УСТОЗИМИЗ

Жуманиёз Собировга

Булбулларнинг розин тинглаб сирлашса ҳам,
Тонгда туриб сочи билан тиллашса ҳам,
Кўшиқ билан наво дилда бирлашса ҳам,
Юртим бахтин куйлаб ўтган устозимиз.

Офтоб нури ўчоғида олов ёқтай,
Дарё суви тошга жило бериб оқтай,
Келажакка халқим умид билан боқтай,
Мозийлардан сўзлаб ўтган устозимиз.

Булбул каби овозингиз дилимизда,
"Ватан" кўшигингиз янграб элимизда,
Хоразмнинг ҳофизлари ёнингизда,
Олисларни кўзлаб ўтган устозимиз.

Шогирдларим деб айтингиз Ҳасан Карим,
Рустам, Олмахон, Отажон, Отамурод,
Рўздат ҳофиз, Ўринбою, Гўлчеҳралар,
Меҳрларин бериб ўтган устозимиз.

Янграб турсин овози асрларда ҳам,
Нур таратгай наволари кўёшда ҳам,
Иймон ҳамроҳ бўлсин сабр-бардошда ҳам,
Борган жойинг жаннат бўлсин устозимиз.



ГЎЗАЛИМ

Танҳо сўзли гўзалим,
Хумор кўзли гўзалим,
Ишқинг мисли оловдир,
Анор юзли гўзалим.

Кетиб сабру қарорим,
Билмам қайта борарим,
Гоҳо қишу баҳорим,
Ширин сўзли гўзалим.

Фариб бўлдим ҳажрингда,
Тўзим тилаб сабримга,
Тун ўртанар қадримга,
Кўнгли ёзли гўзалим.

Дурдонадирсан жоним,
Менинг ширин забоним,
Кўкдаги моҳобоним,
Сулув нозли гўзалим.

Сочларингни толаси,
Камалак шалоласи,
Айт қайси тоғ доласи,
Оху кўзли гўзалим.

Ёрим дилдан сўйлағай,
Хур кокилин сийлағай,
Ҳасан Карим куйлағай,
Танҳо созли гўзалим.


СУРАТЛАРГА ТУШГАН ЛАҲЗАЛАР



Устоз Ҳожихон Болтаев билан
Чоржўйдати гастрол сафариди.



Концертдан сўнгги дақиқалар.



Дўстим Отажон
Худойшукуров.



Куредлош дўстлар билан.



1960 йил. Санъатта кўйилган илк қадамлар.



Жуманназар Бекчоноев (чапда) ҳаммамизга устоз бўлган.



Айтишув. Ўнгла Қаландар бахши.

1972 йил. «Марҳабо талантлар» кўрпиги.



«Лазги» ансамбли билан қишлоқда.



Пахтакорлар хўзуриди.



Устоз санъаткор Назира Юсупова
ва Розия Мурадова билан.



Таниқли олим, фалсафа фанлари доктори, профессор
Йўлдош Жумабоев билан.



Армияда ҳам санъатни намойиш этдик.



Москвадаги чиқишларимиз.



Япония сафари лаҳзалари.



Япониядаги учрашувдан лавҳа.




Ўзбекистон Халқ шоири Чустий билан кўп учрашганимиз.



Хоразм мусикали драма театрида ишлаган даврим.
1960 йил.



Устоз Жуманиёз Собиров.



Институтда синов пайти.



Россиянинг узок Сибирь ўлкасидаги
учрашувлардан бири.



Бастакорлар билан суҳбат.



Ҳасан Карим,
2011 йил.



Ўғилларим — меҳрибонларим.

СЕВИШГАНЛАР

Севишганлар юрар сайр боғида,
Бир ёрни учратдим сайр чоғида,
Япон боғин кездим гул қучоғида,
Дилдаги оҳимни айтмасам бўлмас.

Бунда боғни ошён тутган турналар,
Товуслар ўз-ўзин ҳиром этарлар,
Билмам роз-ўрдаклар қайта кетарлар,
Қалбимда қувончим айтмасам бўлмас.

Муҳаббат гулшанда гулу-рашнолар,
Маҳлиё этарлар гўзал барнолар,
Фарҳоднинг Ширини бунда Лайлолар,
Уларни севишин айтмасам бўлмас.

Ҳумор ёзиб юрсин севишган ёрлар,
Бизга жўр бўлишин севиғиси борлар,
Муҳаббат куйини куйласин торлар,
Ҳасан Карим шеърда айтмасам бўлмас.



ЮРАКЎЛТИ НАВОЖАРИМ

Мухаммад

Жамолининг кўранимида ўзингга сен шайдо этдинг,
 Рашикниг келиб ўзгалардан ҳижрон ўтин пайдо этдинг,
 Ибн-ҳаё билан боқиб қаранингда севганингни адо
 этдинг,
 Ишқим илҳомин уйғотдинг, хўп шеъру ғазаллар
 битдим,
 Кўшигимда куйлайин мен юракдаги наволарим.

Дилда неки бўлса, айтдим, қувончларимни билдириб,
Кора кўзим изгарингдa юрганларингдa қуйдириб,
Дунё бўйлаб кезганимдa соғинчларимни тўлдириб,
Ишқим илҳомин уйғотдинг, ҳўп шеъру ғазаллар
 билдим,
Қўшигимдa қуйлайин мен юракдаги наволарим.

Ҳаётиимиз гўзаллиги фарзанд ўғил-қизлар билан,
 Ёшлитимиз эслаб юрсак армонсиз бу ўйлар билан,
 Ошиқларни ўйлатади торим наво куйлар билан
 Ишқим илҳомин ўйотдинг, хўп шеъру ғазаллар
 битдим,

Олтоҳимнинг синовита, кеча-кундуз сабр қилдим,
Оғир кунларни ўтказдим, синовита шукр қилдим,
Яратганга дуо қилиб, тунлар туриб зикр қилдим,
Ишқим илҳомин уйғотдинг, хўп шеър уфаллар
билдим,
Кўшигимда куйлайин мен юракдаги наволарим.

Курбонотикам ўз ишида, олимпиа, доно эрур,
Кулони даре каби шўхчан, зиё сочар танҳо эрур,
Сарҳисоблар қилганида ширин калом, доно эрур
Никим илҳомин уйғотдинг, хўп шеърү ғазаллар

БИТДИМ,
Хасан Карим кўйласин деб юракдаги наволарим.

БАРАКАГА БУРКАНАР

Янги йилда ризқ-рўз тоғлардан,
Ёмғир бўлиб, қор бўлиб келар.
Барака мўл бўлар боғларда,
Эл-юртимга бахт-иқбол кулар.

Тўйларга тўй уланса ҳардам,
Қайнаб-тошар илҳом булогим.
Чароғонлик кашф этар борлик,
Нур сочиб элларга бу қорлар.

Бўз ерларда, қир-адирда ҳам,
Дала, даштни қиздираб меҳнат.
Дастурхонлар тўкин бўлар ҳам,
Фидойилик келтириб роҳат.

Кўнтил тори янтраган элда,
Яна ошсин орзу-режалар,
Дилда шодлик бу янги йилда,
Бахт улашар меҳридан улар.

Ҳасан Карим яхши кунларда,
Таъриқ этар чин юрагидан.
Қорбобо-да йўллади шеърин,
Эзгулик, гўзаллик ҳар тилагиди.



ДАРДА ДАРМОН ШИФОКОР

Шифокор Норжон Каримовга

Беморлар дардига дармон ўзингиз,
Бол каби барчага айтган сўзингиз,
Яхшилик йўлида нури изингиз,
Яшайсиз беморга шифо улашиб.

Данолар йўлларин пухта биласиз,
Беморга парвона нажот бўласиз,
Давосин топтомоққа амал қиласиз,
Яшайсиз беморга шифо улашиб.

Малҳам топаёйсиз бемор юракка,
Хаста беморларни элтиб тилакка,
Меҳр оламида бўлгандек якка,
Яшайсиз беморга шифо улашиб.

Сиздек шифокорлар кўп бўлсин, дейман,
Таъобат сирларин хўп билсин, дейман,
Ул хаста кўнгилар шод кулсин, дейман,
Яшайсиз беморга шифо улашиб.



СОЙЛИҚДА

Дўстим Анвархўжаев

Сихаттоҳлар кўпдир дунёда,
Одамларга шифо улашган.
Энг сараси Қароқийда,
Бўстонлиққа дурдек ярашган.

Сойлиқ номин элта танитган,
Танга дармон суви-ҳавоси.
Ҳаммасини эгам яратган,
Бўлсин дея дардга давоси.

Тонг саҳарда қирлар кўйнида,
Кўешта сен пешвоз чиққанда.
Дарлинг кетар дўстлар уйида,
Сут қатигин тўйиб ичганди.

Баланд тоғнинг боши шаршара,
Сувлар тушар сойларга тошиб.
Сухбат қурдик чинор бошида,
Олис қирлар кўйнига боқиб.

Табиатнинг иномлари кўп,
Гуллар тўла бағрин очади.
Тоғу-тошнинг сирларин ўқиб,
Чўққилардан дурлар сочади.

Бўстонлиқда гўзалдир боғлар,
Одамлари дилкаш меҳрибон.
Ҳасан Карим куйлаб шеър ёзар,
Бу масканга келганди ҳар он.

ФЕРУЗА КУЙЛАГАНДА

Хоразм лағзисига ўйнаса хиром этиб,
Тонусдек хиром этар дилларни хушнуд этиб,
Ақлу хушимни тортди ўзига мафтун этиб,
Навокат гулшанида Феруза ўйнаганда,
Дилларни кенг олиб Феруза куйлаганда.

Хуснига қойил қолар томошабин бир олам,
Қурс уриб ўйнаганда саҳнада у ҳар дам,
Дилларни мафтун этар наволари оҳ, бирам,
Тўлини ойдек жамоли Феруза ўйнаганда,
Дилларни кенг олиб Феруза куйлаганда.

Хоразм санъатини қойилмақом қилганди,
Омили келган экан дунё бўйлаб кезганди,
Дилнинг ялласида меҳри ўзга тортганди,
Бу олам яшнаб кетар Феруза ўйнаганда,
Қўлга олиб созини Феруза куйлаганда.

Энида атлас шойи кийса ял-ял ёнибди,
Йон-бўй жоду кўзлари оқлу хушим олибди,
Еноқлари дилимга олов каби солибди,
Меҳригисси борми Феруза ўйнаганда,
Дилларни кенг олиб Феруза куйлаганда.

Тўлини ойдек жамоли оқ юзда доно ҳоли,
Томини тулар асалдек лабларда ширин боли,
Ҳасан Карим қараши гуссадан эмас ҳоли,
Сўхилларни тўлдириб Феруза ўйнаганда,
Дилларни тўлдириб Феруза куйлаганда.

ОТАХОНЛАР

Диёримиз фахридир жонажон отахонлар,
Эл-юртимиз шанидир меҳрибон отахонлар,
Шерюракли меҳнатда, ижодда отахонлар,
Оилада бош эрур, қадрдон отахонлар.

Ўзи емай едирган, фарзандларин кийдирган,
Ҳатомизни кечириб, яхшиликлар келтирган,
Шўхлитимиз кўтариб, кучок очиб суйдирган,
Бизларга меҳр берур, қадрдон отахонлар.

Мудома йўлбошчимсиз, қоқилсак суянчимсиз,
Тўғри йўлни кўрсатган бекиёс таянчимсиз,
Ҳурмат қилиб эл севган ардоқли юпанчимсиз,
Виждон билан иш қилур, қадрдон отахонлар.

Бизларга ибратлидур ҳар ишда мадалкордир,
Панду-насиҳат этиб, покликда иймонлидир,
Келажакка интилиб тунлари у бедордир,
Юраги завққа тўлур, қадрдон отахонлар.



ЗИЁРАТ ҚИЛСАМ

Хоразмдир менинг кўҳна маконим,
Мен туғилиб ўсган тенгсиз ошёним,
Уила ётар Отам ҳам Онажоним,
Қабрларин бориб зиёрат қилсам.

Она юртим мента жаннат макондир,
Эркин яшаб юриш бизга имкондир,
Дуоסי фарзанда дедим қалқондир,
Қабрларин бориб зиёрат қилсам.

Олисларда юриб мен соғинганман,
Ўз вақтида ҳамдард бўлолмаганман,
Уларнинг меҳрига тўёлмаганман,
Қабрларин бориб зиёрат қилсам.

Отам эди менинг суянган тоғим,
Онажоним кетди синди қанотим,
Фарзандлар бахтини кўрмаган жоним,
Қабрларин бориб зиёрат қилсам.

Бахтли онларимни кўролмай кетди,
Айталиган сўзин айтолмай кетди,
Ҳаста дардга шифо тополмай кетди,
Қабрларин бориб зиёрат қилсам.

Ота-Онам, Марям, Бекберган оғам,
Солиҳ, Нигора, Ҳасан-Ҳусан ҳам,
Шодмонжон, Овадан, Ҳусанбойим кам,
Қабрларин бориб зиёрат қилсам.

Мозорларин топиб дилга жо этай,
Мраттандан сўраб илтижо этай,
Жаннат бўлсин жойи деб, дуо этай,
Қабрларин бориб зиёрат қилсам.

МУБОРАК

(Шоғирдлар қўтлоғи)

Устознинг 70 йиллиғи

Кўхна воҳа Хоразм илм маърифат ўчоғи,
Жўшқин санъат ошёни таълим олган даргоҳи,
Дилдан қўйлаган онлар ёзган шеър, ғазали,
Ўзбек, туркман, Хоразм қўшни қардош азали.

Нақорат

Барча элдан келишиб, табриклар етмиш ёшини,
Ўзбек, тожик, туркман ҳам ҳофиз, бахши дўст-ёрини,
Ғазалхонлик элимида бобомлардан меросдир,
Торни қўлга олганда мақом ўзига хосдир,
Ҳожихон, Рўзмат ҳофиз ўхшаши йўқ овоздир,
Комилжон қўшиқлари ҳамон баланд парвоздир.

Нақорат

Созандалар жўр бўлиб наволардан чалишар,
Хур ўлкамнинг иқболин Оллоҳимдан сўрашар,
Фарзандларин бахтини чин кўнгилдан тилашар,
Устознинг қўшиқларин шоғирдлари айтишар.

Нақорат

Ҳасан Карим баланд тут бўғун қўлда созингни,
Дўстлар билан қўйлагин, ўзингга хос овозингни,
Ҳақ яна берсин деймиз санъатда парвозингни,
Етмиш ёшини муборақ, қўлдан қўйма созингни.

Нақорат

Барча элдан келишиб, табриклар етмиш ёшини,
Ўзбек, тожик, туркман ҳам ҳофиз, бахши дўст-ёрини,

ҚАЛБИМДА ҚОЛГАН ОНЛАР

УСТОЗ ЎГИТИ

Устоз отангдек улуғ, дейишади. Менга ашула ай-тишни ўргатиб, илк бор кўлимга рубобни тутқазган устозим Жуманиёз Собиров бўлади. У киши мен ўқийдиган мактабда мусиқа тўғрисидаги ташкил этиб, уни бошқаради.

Жуманиёз ака жуда талабчан ва қаттиққўл устоз эди. У менга «Ватан» номида кўшиқни ўргатди. Бу ашула билан мен санъат даргоҳига илк қалам қўйдим. — Сен ўз йўлингни «Ватан» кўшиғи билан бош-далинг, бунинг ўзига хос мантиси бор, — дедилди устоз. — Шу сабабли энди қийинчиликлардан чўчим, маҳоратингни ошириб, кўпроқ ўқиб-ўрган.

Шу-шу устоз ўғитларини ҳамон эсда сақлаб, Хоразм санъатининг оммалашувида ўз ҳиссамни қўшиб келмоқдаман.

ҲОЖИХОН УСТОЗ САВОҚЛАРИ

Мактабда ўқиб, мусиқа тўғрисида қатнашиб юрган вақтларимдаёқ ўттизга яқин ашулани айтган эдим. Ёш эдим, шеърни, ғазални ҳатто бир кечадаёқ ёлти олиб, ашула қилиб айта берардик. Иштиёқ, ҳавас бор эди. Файрат ҳам, маҳорат ҳам қалбда жўш уради, десам муболаға бўлмас.

Шу сабабли мени мактабни тутатгандан сўнг Отаҳий номиндаги мусиқали драма театрига мусиқачи-ашулачи қилиб ишга олишди. Бу ерда, яъни 1959-йилда мен Хоразм мақом санъатини оламга ёйган устоз Ҳожиҳон Ўлғасер билан танишдим.

Ҳожиҳон устоздан «Сувора» айтишни ўргандим. У бу мақомни ўзига хос овозда куйларди. Ҳеч ким қонирча устоздай бу ашулани айта билмаган. У инчакимига ўз мактабини яратган, устозларнинг устози эди. У кишининг сабоқлари ҳамон менга асқотади. Устоз билан бир қанча вақт яшаган Чоржўй шаҳрида театролда бўлган вақтда бирга тушган суратимиз энди тарихий бир эсталик бўлиб қолди.

Мени Хоразм санъатининг бетакрор куйчиси, ҳечкема маҳорат эгаси, кучли ва сеҳрли овоз соҳиби Назира Юсупова ўзи билан жуда кўп учрашувларга, концертга, тўйларга олиб юарди. Ҳожиҳон устоз билан ҳам илк бор таништирган Назира Юсупова пудали. Улар билан ҳамроҳлик қилган ёшлик йил-ларимда устозларнинг кўплаб айтишув-беллашув-ларининг тувоҳи бўлганман.

«ДИЛБАРГИНА» КЎШИҒИНИ ЎРГАТГАН

Хоразм санъатини дунёга танитган машҳур санъаткор Комилжон Отаниёзов билан ҳам илк бор Отаҳий номиндаги вилоят мусиқали драма театрида таниш-ганим. У пайтларда Комилжон ака театрга кўйи-лишган мусиқали спектаклларда ролларни маҳорат билан ижро этарди.

Санъатта бўлган ихлосимни илғаб олиб, Комилжон устоз менга Ҳофиз Шерозийнинг форсча ёзилган «Мортоҳ» кўшиғини ҳамда Отаҳийнинг «Дилбаргина»

деган ялла кўшиғини ўратиб айтирган эдилар. Бу ашулани ўша пайтда айтиб, устознинг фотиҳасини олганман. Ҳар гал бу ашулани айтаётганимда Комилжон устоз қиёфаси кўз олдимда гавдаланиди. У кишининг айтган сўзлари ҳамон ёдимда.

— Ўғлим, санъат йўли оғир. Бир ашулани қойил-мақом қилиб, шинавандалар кўнглини топинини ўзи катта гап. Лекин, ўзингни ҳеч қачон баланд тутми. Камтарин бўл. Сени кўшиқларинг танитсин.

Мен ўз ҳаётим давомида, санъат деб аталмиш улкан йўлда ана шундай кўплаб таниқли устозлар билан яқиндан танишиш, бирга ишлаш шарафига муяссар бўлдим. Отажон Худойшукров билан дўст бўлганмиз, бирга ўқиганмиз. Бежон Отажонов билан бирга кўшиқлар куйлаганмиз. Таниқли ҳофиз Қувондиқ Искандаров ҳам устозлик қилганлар.

Ҳаёт бир жойда тўхтамайди. Унинг кўйинида ҳар ким ўз ўрнини топади. Омад бировга боқали, бироқ эса боқмайди. Хонанданинг парвози гўё қушнинг парвозига ўхшайди. У учиб юрaveraди-ю, бир жойга кўнгандан сўнг босиб ўтган йўлга назар ташлайди. Мен ҳам бу чаманда кўп гулларни тердим. Заҳматини ҳам чекдим. Қувончини ҳам, олқишларини ҳам кўрдим. Оллоҳга шукр, кам бўлмадим. Шундай улут устозларни кўриш, ҳамсухбат бўлиш, улардан сабоқ олиш ҳаммага ҳам насиб қилавермайди.

Бу кунларга, истиқлол кунларига етганлар бор, етмаганлар ҳам бор. Мен эса кўп нарсаларга эришганим бахтиёр инсонлардан бириман.



ОҚИБАТ

Инсон ёши ошиб бориши билан синчков ва қувонувчан бўлиб қолар экан. Мен атроф ҳаётга назар солиб, ҳаётимиз нақадар гўзал ва тезкорлик билан ривожланиётганини кўриб ич-ичимдан хурсанд бўлдим.

Хулоса кўп шукрлар бўлсинки Ватанимиз тинч, бошланишга, ҳалқимиз меҳнаткаш ва ҳар бир ишга қаттиқ бўлиб юртимизда ота-боболаримиздан қолган урф-одатларни ва анъаналарни давом эттириб келмоқда. Аммо шундай гўзал ҳаётда ораларимиздаги муносабатлар негандир мени кўпроқ ўйлашга мажбур қилади. Инсон ақли оилалар ва улар орасидаги муносабатларни кўриб ҳинасинг келади. Бироқ баъзи бир оилалар, ака-укалар муносабати қаттиқ ўйлатиб қўяди. Дилим тўрида шундай фикр юзага келади: Нима сабабдан бир қоринга сингли, бир ҳовлида ота-она бағрида ўсиб катта бўлган ва воқия етган ака-укалар, опа-сингиллар нима учун аринмас мол дунё деб юзқўрмас бўлиб, у ҳам етатиндик худди ит-мушук каби бир-бирлари билан ўриниб, бир-бирларини қаттиқ ҳақорат қиладилар. Қани ўша биз ҳавас қилган ибратли оила? Қани ўша ака-укачилик, опа-сингилчилик ва бир-бирига бўлган яхтарбончилик? Нима булар ҳаммаси ота-она билан бирга кетдимиз? Бундай айрилиб, юзқўрмас бўлишнинг,

инсон қадри қийматини топталшига сабаб нима деган саволлар мента тинчлик бермайди. Ота-она шифот этсалар, акалар, опалар улар учун ота ҳам она эмасми? Шу масалада ёдимга келган бир оила тўғрисидаги ходисани эслатиб ўтмоқчиман

Мен билган тўрт ака-ука бирга яшарди. Улар аҳил-иноқ яшагани боис кўпчиликка ибрат эдилар. Кичик акаси Жаҳонгир тижоратчи. Ўз оиласи билан алоҳида бўлиб чиққан. Баҳодирни ҳам алоҳида жойи бор, ўзига тўқ ҳаёт кечирмоқда. Дониёр билан Ҳакимбой эса ота ҳовлида бирга яшайдилар. Бир кўни Дониёр акасига маслаҳат солди.

— Ака, мен бир иморат курсам. Иложи бўлса шаҳардан четроқ, сув бўйига яқин жойда, ҳиссон тозароқ жой бўлса. Шунга нима дейсиз?

— Майли ука. Бу гапнинг жуда маъкул. Лекин ёшнинг гимиздан бир ҳовлида аҳил яшаб келидик. Агар шунини ният қилган бўлсанг мен ҳам имкон даражасида ёрдам бераман.

Дониёр акасининг ёрдами билан иморатни чироқни қилиб кўтариб олди. Ҳовли атрофини боғ-роғларини ҳам айланттирди. Узум, нок, олма, гилос дарахтлар ҳам ҳосилга кириб қолди.

Шундай кўнларда акасидан беҳад мамнун бўлган Дониёр уй-тўйи ҳамда ўғли Муҳаммаджонни уйлантириш учун акаси билан яна кенгашмоқчи бўлди. Ҳакимбой унга ўғлининг янги иморатда тўйини ўтказгин. Келин билан ўша ерда яшасинлар, деб маслаҳат берди. Дониёр акасини гапини олгандай бўлди-ю, аммо ўз билганидай қилиб шаҳардаги ота ҳовлисини тўй қилиб келин туширди. Бизларни ҳам ору-ҳавасини бор эди, келинни кўлидан бир пийла чой ичайлик, хизматимизни қилсин, деган ўй унинг кўнлини

қўйишиб олган эди. Бу орада у ёнидаги кўшнисининг кўш жойини сотиб олиб, ҳовлисини янаям кенгайтирди. Асосан анча ёшта бориб қолганди. У оғир хасталиклари билан ўтказган, кўп қаватли бетон уйда яшарди. У аниқ укасидан бир нарсани, яъни ака келинг, ота ҳовлида бирга яшайлик, илгарилари қандай яхши турардик, деган сўзни илҳақ бўлиб кутарди. Аммо унингдан ҳидетганда садо чиқмасди. Мен бир нарсадан кўнрабди эдим. Бир пайтлар иноқликлари билан кўнларга ибрат бўлган бу оила назаримда ака-укалар бир биридан аста-секин йироқлашиб кетаётгандек туюларди.

Индлар ўтиб борарди. Кўз олимидан уларнинг ёшлик чоғларидаги аҳил-иноқликлари сира кетмасди. Қамон уларни бир-бирлари томон талпинишларини интиқ кутаман. Ота-она уйдаги чироқни бирталиқда ёқиб, ошанини мунаввар қилишларига ишонаман.



УСТОЗЛАР ИШОНЧИ

1960 йилнинг баҳори. Ким ҳам донғи кетган улуғ устозларни кўриш, улардан сабоқ олишни орзу қилмаган, дейсиз. Мен ҳам шу мақсадда, санъатнинг катта йўлига чиқиш учун илк парвоз қилдим. Тошкентда ўқишни ният қилдим. Хоразм мусиқа драматизмининг директори Гавҳар Бобожонова, мусиқа раҳбари Ҳайитбой Бобожонов ва бастакор Абдулҳариф Отажоновларнинг тавсияси билан бирга Тошкент Давлат консерваторияси қошидаги Ҳамза номидаги мусиқа билим юртига ҳужжатларимни топширдим. Мен Отажон Ҳудойшуккуров, Жуманазар Бекжанов, Озод Ибрагимов, Шариф Султонов, Комилжон Ибрагимов, Рустам Абдуллаевлар билан ўқий бошладим. Биз халқ чолғу асбоблари бўлимида қашқар рубоби мутахассислиги бўйича устоз Бўрибой Мирзахўшо доддан сабоқ олардик. Кузда бир кунги устознинг тоғасиникига жиянининг суннат тўйига таклиф қилиб қолди. Бу тўйга таниқли санъаткор Фаҳриддин Умаров ҳам таклиф қилинган экан.

Бу пайтгача биз ҳеч тўйга чиқмаган эдик. Шу сабабли бутун вужудимизни ҳис-ҳаяжон қамраб олган, ҳатто илк синовдан ўтиш «кўркуви» бостан эди.

Тўйга тумонат одам йиғилган. Ҳамма санъаткорларни сабрсизлик билан кутишарди. Айниқса,

бу пайтда жуда машҳур бўлган санъаткор Фаҳриддин Умаровнинг иштироки кўпчиликнинг эътиборини тортган эди.

Бир пайт тўйбоши ёнимизга келиб: «Фаҳриддин Умаров келикапти, бир жуфт ашула айтиб туринглар», деб илтимос қилиб қолди.

Кўшиқни энди бошлай деб турганда даврата Фаҳриддин Умаров дўторчиси ва доирачиси билан кىриб келди. У киши бизнинг талаба ва хоразмлик ёнимизни билгач, «Бир пиёла чой ичгунча, бир жуфт ашула айтаверинглар», дедилар.

— Хоразмда устоз даврата чиқиб бир жуфт ашула айтмагунча, шогирдлар ўртага тушмайди, — дедик ижозат тортиб.

— Бизда устоз руҳсат берса шогирдлар бемалол ашула айтаверади, — дедилар ва даврата чиқишга оқ йўл тилдидилар.

Хофизнинг бу сўзлари бизга ўзгача руҳ бағишлади. Мен ва Отажон даврата чиқиб, бир жуфт Хоразмча кўшиқни дилдан жўшиб ижро этдик. Кейин барчанинг кўшиқлари остида даврата Фаҳриддин ака чиқиб бир жуфт давомида ўндан ортиқ кўшиқни маҳорат билан ижро этди. Сўнгра хофиз тўй эгасидан руҳсат сўраб, бизга тўйга бориши кераклигини айтиб, қолган кўшиқнинг хоразмлик шогирдларимиз давом эттиришини билдириб хайрлашди.

Биз устознинг ишончини оқлаш учун тўй охиригача астойдил тер тўқдик. Хоразм мақомлари ҳамда шўх-шуҳ кўшиқларини ижро этиб, бир неча бор ялла ва алоқларини айтиб, роса тўйни қиздирдик.

Тўй эгаси ҳам биздан роса мамнун бўлди. У бизни катта хофизни кузатгандек алоҳида машинага ўтқазиб, катта-салоомлар билан иззат-ҳурмат кўрсатди.

Уша кўни Тошкент тўқимачилик институтининг ўқийдиган яқин дўстимиз Рустам Машариповнинг таваллуд кўни эди. Кеч алламаҳал бўлишга қарамасдан уни табриклашга бордик. У ерда дўстларимиздан Комил Аваз, Пулат Машарипов ва уч-тўрт йигитлар ўтиришган экан. Биз Отажон билан яна то тонггача кўшиқ айтиб базмини қизитдик.

Бир ҳафтадан сўнг ётоқхонамизга устоз Жуманов Собиров кириб келди. У киши менга яқин қариндош ҳам эди. Бироз суҳбатлашиб ўтиганимиздан сўнг устоз:

— Агар малол келмаса Ҳасанни уйга олиб кетаман, яқин қариндош ва шогирд бўла туриб бу ерда туришни уят,- дедилар.

Биз қисқа ўқиш даврида Отажон билан жуда яқин ажралмас дўст бўлиб қолган эдик.

— Устоз мен Отажоннинг бир ўзини қолдириб қетолмайман, — дедим. — Биз жуда иноқ дўст бўлиб қолганмиз.

— Агар сен бу ердан кетсанг, мен ҳам ўқишдан бутунлай кетаман, ўқиш ҳам унчалик ёқмайпти, — деди Отажон.

Устоз менинг ота-онам билан келишганини, уйида кўшимча сабоқ беришгани тавқиллаб, сўзидан туриб олди. Менда рози бўлишдан бошқа илож қолмади. Бу воқеадан сўнг Отажон ҳам кўп вақт ўтмай тоғсен таниқли философ олим Йўлдош Жумабоевни чақириб, ўқишни Қорақалпоғистонда давом эттиришини айтиб, жўнаб кетди.

Биз кейинчалик Отажон Худойшукuroв билан жуда кўп бор саҳнада, тўйларда учрашдик. Қисқа муддатли талабалик давримиз, устозларнинг оқибатини оқлаб, синовдан ўтганимиз бир унитилмас

ноқса бўлиб қолганини эслаб юрдик. Афсуски, бешафқат ўлим яқин дўстимни, таниқли ва бетакрор оғоз соҳибини орамиздан олиб кетди. Унинг ижросининг кўшиқлар муҳлислар қалбида унитилмас бўлиб қолди.

Кейинчалик таниқли фалсафа фанлари доктори, профессор ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби Йўлдош Жумабоев ва рафиқаси Гулорахон билан яқин танишиб олдим. Оилавий борди-келди қилиб юрдик. Кейин у бизларнинг оилавий ўтириш-теримизни ташкил қилди. Биз, яъни тарих фанлари доктори Комилжон Эшжонов ва хотини Офтобхон, Рустам Бобожонов ва Султонпошша, полковник Нуриддин Очилов ва Зухрахон, милиция подполковниги Комил Матчонов ва Жонигул, ҳамфикр адибларимиз Равнохон, Курбонбика, Тўхтахон ҳамда санъаткор шогирдларимдан Шермат Файзуллаев ва Шермат Хўжаниёзовлар билан оилавий ўтиришларга борардик. Даврани Йўлдош Жумабоев олиб борар эди. Шундай чиройли оилалар билан бўлган ҳамсуҳбат, кўнглимизни турuntлар, мушоиралар ҳамда биз санъаткорларга «Сувора», «Феруз» каби мақомлар, шўх-шўх кўшиқлар, Хоразм куйларидан «Алиқамбар», «Хончиркор», «Соқили наво», яъни ва лазгилардан айтишиб, даврани киздириб, ўтиришма вақти қандай ўтганини билмасдик. Шундай ўтиришмаларга кўп оилалар орзу қилар эдилар.

Бу кунлар энди тарих саҳифаларида қолди...

СУРУУ

Ёзнинг жазирама кунлари эди. Иссиқ ҳаво ҳаммани бесаранжом қилиб юборган. Кўнгли соя, салқин жойларни кўмсайди. Беихтиёр яқин Бўстонлик томонда дала ҳовли қилган дўстим Раҳмонжон ёдимга тушди, у ҳар кўрганида тоғга таклиф қиларди. Дўстимни бир хурсанд қилгим келди. Қадрдонларим Суръат ака, Ойбек жияним, таниқли шоир Аҳтамули ва ала-биёштунос олим Узоқ Жўрақулга ҳам таклифим маъқул тушди. Ҳаммамиз йиғилишиб тоғ сафарига отландик. Дўстлар бир-биримизни соғиниб қолган эканмизми, сира гап тутамайди. Гўрунглашиб кетганимиз боне манзилга етиб қолганимизни ҳам сезмабмиз. Раҳмонжоннинг ҳовлиси шинамтина бўлибди. Дўстим ёнида Анвархўжа, Мирсалим, Тоҳиржон, Абдуҳоллик каби яқин дўстлари келишимизни кутиб туришган экан. Улар бизларни Қоратоғ ёнбағридаги дала ҳовли бўйига олиб кетаётиб, йўллар бўйи сой бўйига одамлар бориб қурган дала ҳовлиларни кўриб, боргунча тоза ҳаволаридан нафас олиб бордик. Сой бўйига ўрнатилган сўрита жойлашдик.

Бир менми десам бирга борган шерикларим ҳам чор-атрофнинг гўзал манзарасига қараб тўйишмаптти. Тоғлар орасидан сочилиб турган куёш нуллари, сайроқи кушларнинг вужир-вужури, тоғдан оқиб

қолиётган муздек булоқ суви, тоғ этагидаги қўй-қўнларнинг маъраши ўзаро уйғунлашиб, кишига яқинқандай завқ бағишлайди. Ранг-баранг гулларга буржиган қир-адирлар атлас кийган янги келинчақдек кўни қувонтиради.

Енгил тамалдидан сўнг Раҳмонжоннинг таклифи билан Қора тоғ томонларни айланиб келмоқчи бўлдик. Ушқин Қора тоғ қолларига қарар эканмиз уларнинг ишобатидан ҳайратга тушамиз. Гўзал манзарага шу даражада маҳлиё бўлганимиздан ҳаммаям чиқа олмайидиган жойларга ҳам чарчамасдан қандай бориб қолганимизни ҳам сезмай қолибмиз. Тоққа чиқишдан кўра тушиш қийин бўларкан. Кўм-кўк арчалар, турли-туман набототларни томоша қилиб, баҳайбат чинор минкон қурган сайхонликка юриб келдик. Табиатан қанжонга бой дўстимиз Узоқ Жўрақул танасига кулоч етмайидиган бу чинордан бирита ҳайрат билан тикилди.

— Юз, юз эллик ёшдан ҳам олгандир, — деди инки жўшиб.

— Кўпроқ беаверинг домла,-деди Раҳмонжон унинг ёнига келиб. Бу чинор кўп нарсанинг тувоҳи бўлган.

Тоза ҳаводан танамиз яйради. Бизлар барчамиз қийиб келиб, яна шу сой бўйидаги сўрита жойлашиб олдик. Ҳар биримиздаги кўтаринки кайфият кучимизга куч қўшгандай эди, негадир ҳаёлга чўлдим. Ёшлик чоғларим гастрол сафарлари билан Европа мамлакатлари, кунчиқар давлат саналмиш Японияда бўлган нақтларим ёдимга тушди. Ўша кезлар бу давлатлар менга ниҳоятда гўзал кўринганди.

Аммо бутунги кўрган манзараларни уларнинг ҳеч бирита алишмаслигини ич-ичимдан ҳис қилдим. Назаримда бошқа меҳмонларнинг кўнглидан ҳам шундай ҳаёллар ўтаётгандай эди гўё.

Даврадагилардан кимдир Аҳтамқулининг янги газалларидан эшитишни таклиф қилдилар. Ёшлиги бетимсол Пирах тоғларида ўтган шоирга сайлимига ўзгача таъсир этганди. Унинг ич-ичидан қуйилиб келаётган газаллари даврани турмушга юборди. Узоқ-яқиндаги йўловчилар ҳам сўри атрофини ўраб олишди. Гўлдурос қарсақдан ўзимга келдим. Қарасам шоир мента қараб турибди.

— Яхши бўлди, жўра, зўр, — дедим унга ростмани ҳавасим келиб.

— Энди сизни галингиз, — деди шоир мента қараб, — Комилжон Отаниёзовдан бир оласиз.

Очиғи давраларда кўпам қуйлайвермайман. Аммо бугун ихтиёр ўзимда эмасди. Тоғлар, тошни ёриб чиққан туллар, кўркам манзара, ҳаммаси мўъжиза эди. Буни қуйламаслик мумкин эмасди. «Сувора», «Феруз», «Бормани», «Найларам», «Келибдур», «Дил-баргина» кўшиқларини ҳеч қачон бугунгидек қуйламаган бўлсам керак. Ич-ичимдан эса аллақандай сўрур келарди. Ватанни ҳаммамиз мадҳ этишимиз кераклигини яна бир бор ҳис этдим.



МЕН ИЖРО ЭТГАН ҚЎШИҚЛАР

(Бу кўшиқларни устоз Комилжон
Отаниёзовдан ўрганганман)

Бу шеър-газаллар матни хофизлар томонидан қўшиқ қилиб айтилиши жараёнида баъзи ўзгаришлар киритилганлиги муносабати билан аслидан фарқланиши мумкин.

ҚОШУ КЎЗИНГ

Огаҳий гаҳини

Вах, не бағолдур билмадим, эй дилрабо, қошу кўзинг,
Ким бир назарда солди ўт жоним аро қошу кўзинг,
Олди қарору тоқатим оқ синано нозик белинг,
Солди қаро кун бошима икки қаро қошу кўзинг.
Жонимга кўйди доғлар рашк ўтидин холи лабинг,
Кўнглумга еткурди туман дарду бағо қошу кўзинг,
Қошу кўзинг бедодидин дод айласам эрмас ажаб,
Ким минг жағолар қилмади охир манга қошу кўзинг.
Ҳам юз ўлиқни тиргузур лаълинг аро ширин сўзинг,
Ҳам минг тирикни ўлтурдур айлаб жағо қошу кўзинг.
Ширин лабингдин Огаҳий жисмига жон берким они,
Ўлтурди бир имо қилиб боққач қис қошу кўзинг.



ДОҒМАН

Нокис гаҳини

Ишқингга зор ўлдум нетай ғамгин думоғман,
Бемору фурқатингману, зоҳирда соғман,
Ақлу хушим санинг билан, кўздан йироғман,
Кўрсат юзингни толиби, нури ҷароғман,
Ҳажрингга дарди ғам бида, ҳасратда доғман.
Ўлдим жамолинг шавқида, дардинг ололмадим,
Бошингдан ҳам сани нета, ман ўргулолмадим,
Бир лаҳза ишрат уйида, мажлис куролмадим,
Лаъли лабингни шахдини, бир дам сўролмадим,
Ҳажрингга дарду ғам бида, ҳасратда доғман.

Сенсан парилар аҳлининг, шўҳи замонаси,
Менман сани ишқинг бида, олам фасонаси,
Кўнгли қушининг боиси, янги таронаси,
Зулфингни домю яна, холингни донаси,
Ҳажрингга дарди ғам бида, ҳасратда доғман.
Ўлсам эди фироқингга, парвонадек куйиб,
Жон берсам эрди бошими, остонанга куйиб,
Махмурлигингга бодаи, васлинг ила тўйиб,
Нокислигимдин кўксими, тийри мижанг ўюб,
Ҳажрингга дарди ғам бида, ҳасратда доғман.



ОШИҚ БЎЛМИШАМ

Махтумқули газали

Эй ёронлар, бир юзи тул оё ошиқ бўлмишам,
Барчалар мақсуди тул раънов ошиқ бўлмишам,
Булбўлим боғ ичрадур тавғоя ошиқ бўлмишам,
Ўзи ғойиб зулфлари ялдия ошиқ бўлмишам,
Манзилим боғ ичрадур саҳроя ошиқ бўлмишам.

Кўнглим ичра ёр ғамидир манзилим саҳрода ҳай,
Тортишим ғамғусадур ман дўнмишам Фарҳода ҳай,
Солди ишқинг, дилбаро, жону житарим ўта ҳай,
Водарийго ўтди умрим зоя бердим бода ҳай,
Оҳи кўп афғони кўп барноя ошиқ бўлмишам.

Дўст ҳавойи васлини ман мунча чандон истарам,
Доми зулфинг қастина ўзимни зиндон истарам,
Дема ғамдин бир йўла кўнглимни хандон истарам,
Бир ғариб ошиқ манам, ёр, сани чандон истарам,
Кеча-ю кундўз билинг хув-ҳоя ошиқ бўлмишам.

Истамас ёрим мани ул ёра зорим йўқ мани,
Қолмишам ҳайрон бўлиб ғайри нигорим йўқ мани,
Олди жоним ишқинг ўти ихтиёрим йўқ мани,
Келса ақлимни олар, кетса қарорим йўқ мани,
Киприги ўқ қошлари ул ёя ошиқ бўлмишам.

Айтадур Махтумқули ман бунда кона ўғрадим,
Сайр этиб бордим фалақдин ло макона ўғрадим,
Чин мани расво қилибдур ишқи кона ўғрадим,
Етмиш икки шахр ила минг бир дўкона ўғрадим,
Шунча саргардон сафили-зоя ошиқ бўлмишам.

СОҒЛИҚ ҚАДРИН БИЛ

Махтумқули газали

Соғлиқ қадрини билгил, хаста бўлмасдан бурун,
Хасталиқ шукрини қилгил, токи ўлмасдан бурун,
Бўз ер қадрини бил, дарёга тўлмасдан бурун,
Ғамада хушёр ўтир, гирдоба ғалмасдан бурун,
Ёшлитинг қадрини бил, токи улолмасдан бурун.

Улолдинг кўнглингдур ёлғон жаҳонни қайғуси,
Сўзларинг ғийбат кесиб, лоф ёлғон сўз айтғуси,
Кўзларинг тўзал кўриб, сени гуноҳга қўйғуси,
Хотиранг юз минг паршон, катхудолик қайғуси,
Не ажаб, хуш ҳол эдинг, ўзингни билмасдан бурун.

Яратган ёдингдур, бошинг ёмон ҳолда экан,
Юз кўриб сан ёда келмас, балли хуш ҳолда экан,
Умингни беҳуда тутма, фурсатинг қўлда экан,
Текса бир боду хазон, сўлдиради гулдай экан,
Гўлни ёдингдан чиқарма, токи сўлмасдан бурун.

Ақли хушингга етишдинг, найлагдинг сийронни сан,
Истадинг даврон кетиб, айлагдинг бийронни сан,
Ҳеч хабаринг бормидур, бу дунёнинг меҳмони сан,
Қилмадинг бирдам қаноат сабр этиб, давронни сан,
Озиқинг тайёр қил, қарвон кўчмасдан бурун.

Қолмаиш бу кўҳна дунё Рустам ила Золингга,
Кўп қувонма икки кунлик ети ички молингга,
Ҳақиқат Орифни кўр атласни берди шолита,
Тур саҳар Махтумқули, йиғла бўлун ўз ҳолингга,
Эрта ул маҳшар кунни терлаб уёнамасдан бурун.

БИРГИНА ДИЛБАРГИНА

Оғажий назли

Олди кўнглимни менинг биргина дилбаргина,
Тишлари гуҳаргина, лаблари шакаргина.

Жилвагар бўлди паридек сўрубон раҳшини тез,
Чобуки таргина, шўхи ситамигаргина.

Бир боқиб хушу-ҳирад нақдини форат қилдим,
Кўзи кафоргина, киприги наштаргина.

Ўртабон ишқ ўтиға жону таним айлади кул,
Юзи анваргина, ҳоли муанбаргина.

Манда худ қолмади бир зарра киби тоқати тоқ,
Айлагил, ё раб, ани, тез муяссаргина.

Оғажий, бир кеча кундуз ишилур оҳу-фиғон,
Кимгаким учраса бир ёшгина дилбаргина.

Олди кўнглимни мани биргина дилбаргина,
Тишлари гуҳаргина, юз лаблари шакаргина.



КЕЛДИМ

«Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам»
досмонидан

Оғалар, кун-кеча узоқ ерлардан,
Бир ёр савдосига дўшдимада, келдим,
Айб айбламани, дўстлар, мени келди деб,
Бир ёр савдосига дўшдимада, келдим.

Неча йиллар келдим саргاردон бўлиб,
Юрмадим ҳар кимга сирим билдириб,
Мурудга етганим тушимда кўриб,
Созимни кўлимга тутдимада, келдим.

Номозшомда келдим қулба хонамга,
Сирим билдирмадим жоним онамга,
Рашкнинг ханжарин чекдим сийнамга,
Барча тўсиқлардан ўтдимада, келдим.

Дилбарим, қурбонман қалди бўйингга,
Созимни кўтариб келдим ўйингга,
Ошиқ Ғариб, Шоҳсанамнинг тўйига,
Ишқим қанот берди, учдимада, келдим.



ЖОНОН БЎЛМАСА

Хислат назли

Найларам боғу чаман, сайрида жанон бўлмаса,
Мисли товус силкиниб, ҳар ён хиромон бўлмаса,
Кўзи шаҳдо, ўзи барно, шоҳи хубон бўлмаса,
Сарв қомат, орази гул, қадди райҳон бўлмаса,
Ўлмайинму ҳажрида жисмим аро жон бўлмаса.

Бошима тушган мани, савдоларингдур мушкуллим,
Лоқағл бир йўқламайдур, қайда қолди деб қуллим,
Сарбасар хасратларинг, шарҳ этгади лолдур тилим,
Ой юзингги кўрмасам, мангу қоронгудир дилим,
Равшан ўлмас кечалар, ул моҳитобон бўлмаса.

Мен юрибман ишқида, таънайи маломатлар билан,
Кўларимдан ёш тўкиб, оҳу надоматлар билан,
Салтанат тахтида ёрим, айшу роҳатлар билан,
Чикса юз хилтурланиб, хусну латофатлар билан,
Одам эрмас ул киши, кўрганда қурбон бўлмаса.

Бир йўли раҳм айламас, мардумлигимга дўстлар,
Ою йиллар васлидин, маҳрумлигимга дўстлар,
Йиғламаймۇ бекасу, мазлумлигимга дўстлар,
Сўрсангиз шулдир сабаб, мағлумлигимга дўстлар,
Сўртгади аҳволи зоримга, қадрдон бўлмаса.

Кулги бўлдим ишқи йўқ бедардларга ончунон,
Сўрмади вақти келиб афтода ҳолим бир замон,
Заррача кўзга кўринмас хони мони моли жон,
Дарбадарликда юриб ёраб маломат айлаган,
Рози эрмасман манингдек токи сарсон бўлмаса.

Бул жаҳонда бир пари, руҳсор учун Ҳислат каби,
Бормикан афсона бўлган, ёр учун Ҳислат каби,
Аҳди ёлгон бевафо, дилдор учун Ҳислат каби,
Кеча кундуз қон ютиб, ашъор учун Ҳислат каби,
Ошиғи содиқ эмас, оламага дoston бўлмаса.

ОЛМА ЮЗЛИ НИГОРИМ

Косиб шеъри

Олма юзли нигорим, қоматин дол этибди,
Олиб сабри қарорим, ажойиб ҳол этибди.
Қандай гўзал латофат, ақлим олган малоҳат,
Киприги қоши ҳай-ҳай ганжи иқбол этибди.

Фарҳод мисоли Ширин, ахтарди бири-бирин,
Тохир ишқида Моҳим, амри маҳол этибди.
Ҳай-ҳай нечук фазилат уйғотди манда журъат,
Икки аждар баҳайбат, ақлимни лол этибди.

Қалам қошли санобар, сўзи дурга баробар,
Ляли лабида шақкар, тилларни бол этибди.
Субҳидам келди дилдор, кутар элим интизор,
Сунбул сочини тор-тор қоши ҳилол этибди.

Кўрмай ҳаргиз заволин, таъриф этай висолин,
Косиб ёрин жамолин, ойда мисол этибди.



МУСТАҲЗОД

Машраб шеори

Бул хаста вужудимни мани ўртади бир йўл,
ул зулфи паришон,
Ул гул юзининг ишқиди ман волайи булбул,
ул ғумчайи хандон.
Бир раҳм қилиб сўрмади холимни нечик деб,
ул орази гулпун,
Юз ваъда бериб бирга вафо қилмади бир йўл,
ул ваъдаси ёлғон.
Парвона сифат ишқ ўтина куйди бу жоним,
йўқ сабру қарорим,
Овазаи хуснингни солиб оламга гул гул,
эл барчаси ҳайрон.
Сансиз на қилай ушбу жаҳонни, куйса бу жоним,
сан манта кераксан,
Айтур аламмим қилса қабул ул моҳитобон,
жоним анто қурбон.
Бир неча маҳаллар юрибон рози дил айтди,
девонайи Машраб,
Бе раҳм экан келмади бирдам қошим узра,
ул золими даврон.



АЙТИШУВ

Айт кирмасман мароса боғи ваъда бўлмаса,
Ория бўлмай бу кун иқболи қисмат бўлмаса,
Қизмагай бу базм то гулчехранинг соқийлари,
Токи ман орифи розий муҳаббат бўлмаса.
Кўнглим ичра дарди ғам аввалтиларга ўхшамас,
Ким ул ой у ҳажри ҳам аввалтиларга ўхшамас.
Не стамким қилса раҳми асли эрмасдин вале,
Энди қилса ҳар стам аввалтиларга ўхшамас.
Роҳати май нашъасидин қолмагай базм аҳликим,
Ишқ сирин англаганда доно ҳикмат бўлмаса,
Аҳли диллар файз топмас ушбу мажлисдин ўзаки,
Маст этарга муршиди Комилда журъат бўлмаса.
Демагил сирингни Лайли анча бор устича ким,
Кул булурга ул санам аввалтиларга ўхшамас.
Ишқ аро Фарход илан Мажнунга ўхшатманг мани,
Ким бу расвои дажам аввалтиларга ўхшамас.
Аҳди диллар файз топмас мушқу мажлис муршиди,
Ишқ сирини англаган барнойи ҳикмат бўлмаса,
Бўлмангиз маъруф ичра завқидин эй дўстлар,
Қайси одам келгаю мажлисда лаббай бўлмаса.
Жабридин эрди аламлар энди тутмиш ўза ёр,
Ўлмишам ким бу алам аввалтиларга ўхшамас.

Эй, Навоий қилма Жамшиду Феридуи васфи ким,
Шоҳи Ғозита қарам аввалгиларга ўхшамас.

То низоми маълум этдинг энди гул кайфияти,
Гар замирингда давлатча хислат бўлмаса,
Эй Ниёзий, кирмак истарсан бу базми ичра дайр,
Қўй қадам дунё сарита санда раббат бўлмаса.



ЛАЪТИ

Қомил Хоразмий назари

Қайси фалак буржининг меҳри пул анворисен,
Қайси садаф дуржининг гавҳари шаҳворисен?
Қайси Хўтан оҳуси, нофай тоторисан,
Қайси чаманзорнинг лолаву гулнори сен?
Сўйла манго эй санам, кимни севар ёрисан?

Қоматинга бандадур боғ аро сарви равон,
Лавли лабинг рашкидин гунча эрур бағри қон,
Чўнқи чаман саҳнина бўлса юзинг гулфишон,
Ноласин айлар фўзун булбули беҳонумон,
Сўйла манго эй санам, кимни севар ёрисан?

Йиғлатур ошўқларинг лавли лабинг хандаси,
Тўбию шамшод эрур сарв қалдинг бандаси,
Хусни Жамол авжининг меҳри дурашандаси,
Қўрса маҳи оразинг, бўлғуси шармандаси,
Сўйла манго эй санам, кимни севар ёрисан?

Айшу нашот истабон ғамга дучор ўлмагон,
Меҳринга дил бастаи зору низор ўлмагон,
Лавли лабинг шаҳиға борму хумор ўлмагон,
Даҳр аро йўқтур санга ошиқи зор ўлмагон,
Сўйла манго эй санам, кимни севар ёрисан?

Бир кеча айлаб манго меҳру муҳаббат аён,
Ҳамроҳу йўлдошсиз борча улусдин ниҳон,
Қулбайи аҳзонима бўлсанг атар меҳмон,
Қомили маҳзунинга ростин этгил баён,
Сўйла манго эй санам, кимни севар ёрисан?

НАҚШИ РОСТ

ФЕРУЗ назил

Баъзимга келди бир пари, рухсорин айлаб гул бу кун,
Чексам не тонт ўтлуг наво, ул навъи ким булбул бу
кун.

Бўлди машоим мушк иси, бирла муаттар, эй кўнги,
Юз узра ёмишдур матар, ул дилрабо кокул бу кун.

Кўнглимга таъсир этмаса, булбул фиғони не ажаб,
Ким гулузорин илгида, мийно қилур кул-кул бу кун.

Сармасти саҳбо бўлғати, чинни қадахлар тўлдириб,
Аввал ўзи нўш айлабон, тутди манга ҳам мўл бу кун.

Ул оташин юзни кўриб, гулшанда шайдо андалиб,
Ишқи ўтига ўртаниб, бўлмиш вужуди кул бу кун.

Эй дил бу янглиг базм агар, умрида бир кун
берса даст,

Ички висолин бодасин, айлаб қадах мўл-мўл бу кун.

Тун бода ичмай зоҳидо, худбинлиг изҳор айлади,
Бу бе адаблик бўйнига, тасбеҳин этмиш гул бу кун.

Гарчи эрурман толеи, Феруз ила оламда шох,
Лек ул парилар сарвари, олдидалурман кул бу кун.

МУНДАРИЖА

Хофиз-ижодкор	3	Устозимиз	39
Ўзбекистоним	6	Гўзалим	40
Баркамол ёш авлод	7	Севинганлар	41
Наврўз сеҳри	8	Юраклаг и наволарим	42
Ватаним	9	Баракага бурканар	44
Баҳор ишқи	10	Дарда дармон шифокор	45
Наврўзи олам келди	11	Сойлиқда	46
Яшна диёрим	12	Феруза куйлаганда	47
Сабри бўлар	13	Отагонлар	48
Ярашмайди-ми?	14	Зиёрат қилсам	49
Дилга жо айлаб	15	Муборак	50
Янги йил	16	Қалбимда қолган онлар	51
Дилбарим	17	Устоз ўтиги	52
Ноз қилмагин Дилдора	18	Ҳожикон устоз сабоқлари	52
Фофил бўлма	19	«Дилбаргина» кўшиғин	
Минг шукр	20	ўратган	53
Коратоғ бургути	21	Оқибат	55
Замира	22	Устозлар ишончи	58
Шайдо этибсан	23	Сурур	62
Нозима	24	Мен ижро этган	
Гуллар очилгунча	25	кўшиқлар	65
Бевафо ёрнинг	26	Қошу кўзинг	66
Невара	27	Долман	67
Санобар қизимга	28	Ошиқ бўлмишам	68
Дўст	29	Соғлиқ қадрин бил	69
Муҳаббат	30	Биргина Дилбаргина	70
Хорам сардори	31	Келдим	71
Устозларни ёд этиб	33	Жонон бўлмаса	72
Райно гули	34	Олма юзи нигорим	73
Туяларнинг муборак	35	Мустаҳзол	74
Зилола	36	Айтишув	75
Она диёрим	37	Даст	77
Аслим	38	Нақши рост	78

Ҳасан Карим

БАҲОР ИШҚИ

(Шеърлар, хотиралар, ҳикоялар)

Муҳаррир АҲТАМУЛИ

Мусаввир ШУҲРАТ ОДИЛОВ

Мусахҳиҳ Нарғиза Жаббор қизи

Саҳифаловчи Гулмира Қулназарова

Наширёт лицензияси АЎ №088, 15.03.07. Босишга рухсат этилди

28.02.2011 й. Таймс-Галд гарнитураси. Бичими 60×84^{1/16}.

Ҳажми 5,0 б.т. + 1,0 б.т. вкл. Адаби 500 нусха. Буюртма № 8.

«Istiqbol nashriyoti», Тошкент ш., 100129, Навоий кўчаси, 30-уй.

ХТ «Раззоков О.Д.» босямахонасида чоп этилди.

Тошкент ш., 100129, Навоий кўчаси, 30-уй.